
Эртага, 27 октябр куни Яйпан ГРС истеъмолчилари газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

“Фарғона” магистрал газ қувурлари бошқармаси ҳамда “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиалининг тегишли хабарномаларига асосан эртага, 2021 йил 27 октябр куни Яйпан ГРС тармоғида кенгайтириш мосламаси (шайба)ни алмаштириш муносабати билан аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга маълум муддатга табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Хусусан, Яйпан ГРС дан фойдаланувчи табиий газ истеъмолчиларига **2021 йил 27 октябр куни соат 12:00 дан 16:00 га қадар** табиий газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади.

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш сўралади.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” газ таъминоти бўлими маъмурияти истеъмолчилардан вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

2021-10-26 21:04:39